

Спортчимизга улкан зафарлар тилаб қоламиз!

✘ Рустамов Сирожбек Санжар ўғли Қозоғистон Республикасида ўтказилган KUZ OPEN 2019 турнирида JIU-JITSU спорт тури бўйича фахрли 3-ўринни эгаллади.

Рустамов Сирожбек 1998 йил 16 июлда Хоразм вилояти Хазорасп туманида ишчи оиласида таваллуд топган. Мактаб давларида спортга нисбатан меҳри бошқача бўлиб, турли танловларда фаол иштирок этиб келган.

JIU-JITSU спорт тури бўйича илк сабоқларини 2017 йил “Senna fight” академиясида олиб, ҳозирги кунгача қатор турнирларнинг ғолиби ҳисобланади. Жумладан, 2018 йил декабр ойида Қозоғистон Республикасида ўтказилган Asia open турнирида фахрли 2-ўринни, Тошкент шаҳрида ўтказилган турнирларда 6 карра ўз вазн тоифасида 1-ўринни эгаллаб, чемпионликни бермай келмоқда.

2019 йил Қозоғистон Республикасида ўтказилган KUZ OPEN 2019 турнирида JIU-JITSU спорт тури бўйича фахрли 3-ўринни эгаллади.

Рустамов Сирожбек Санжар ўғли 2019 йилда “Uzbekistan Cup 2019” турнирида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллади ва Ўзбекистон Миллий терма жамоасига қабул қилинди. Спортчимизга улкан зафарлар тилаб қоламиз!